



СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ

Г а з е т а
1918 йил 21 июндан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

№ 200 (20. 168) • 1988 йил 1 сентябрь • пайшанба • Баҳоси 3 тийин.

БУТУН—БИЛИМЛАР КУНИ

И Ж О Д К О Р В А М У Р А Б Б И Й

Илк бор мактаб сари йўл олиб, «Алифбейнинг дастлабки саҳифаларини ўқишга интилаётган болалар билим эгаллашмоқда.

Ўз мураббийларига даста-даста гул тутқазаётган шогирдлар билимга қанқоқликларини ҳис этишмоқда.

Билим юртлири, техникум ва олий ўқув юртлири сари ошираётган йилнинг дастлабки кўнгирағи. Биринчи дарс — Тинчлик дарси.

Қайта қуришнинг фаол иштирокчиси бўлган ўқитувчи қап-бидо ҳаяжон. Янги ўқув йилининг дастлабки кўнгирағи. Биринчи дарс — Тинчлик дарси.

Янги авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш КПССнинг, бутун жамиятимизнинг масъулиятли вазифаси эканлиги XIX Бутуниттифок партия конференциясида алоҳида таъкидланди. «Маориф, илмий тадқиқотлар сифати юксак бўлмаса, умумий ва профессионал маданият бўлмаса — буларсиз қайта қуриш мақсадларига эришиб бўлмайди», — деди КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачёв. — Совет кишиларининг янги авлоди онгли меҳнат ва сиёсий ҳаётга қадам қўйётганда юксак ғоявийликка ва ахлоққа, ўз касби соҳасида яхши билимларга ва кенг маданий фикр доирасига эга бўлишлари, мамлакат тақдири учун масъулиятни ўз зиммаларига олишларига тайёр бўлишлари учун ҳамма шароитларни яратиб қолмоқ.

Давр ўрта ва олий мактаб ислоҳотини изчил ва жадал амалга оширишни талаб этаётди. Бу гап уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам, энг муҳими — ўқувчининг, муаллимнинг, тарбиячининг ролига ҳам тааллуқлидир.

Ўқитувчи ҳам ижодкор, ҳам мураббийдир. Республикаларда ўз билими, фидойилиги билан обрў-эътибор қозongan ўқитувчилар кўп. XIX Бутуниттифок партия конференцияси делегатлари, Калинин районидagi К. Маркс номли 34-ўрта мактаб ўқитувчиси Ж. Хўжаева, Андижондаги 1-ўрта ҳунар-техника билим юртининг ўқитувчиси, шаҳар партия комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты О. Акбаров, Тошкент электротехника алоқа институтининг ректори Ж. Абдуллаев, Тошкентдаги 22-болалар уйининг директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони А. Хлебешкинанинг мураббийлари билан ҳақиқатан ҳам таълимнинг муҳим асослари. Улар билими, қалб қўрини болаларга бағишламоқдалар, маорифни янгилашда асосий ўрин тутмоқдалар. Ўқитувчи учун ўсиб-ўлаётганининг чеки йўқ; энг асосий, энг яхши дарс ҳали олдинда деган тўғри бўлиб қолмоқдалар. Чинакам муаллим учун ҳар бир бола шундай бир сейёраки, ҳали уни кашф этиш ва тушуниш олиш керак.

Биз муносиб меҳнаткашларни, граждaнларни, ватанпарвар интернационалистларни катта ҳаёт йўлига кузатётган ижодкор ва мураббийлардан миннатдоримиз. Аммо жамият мактаб олдида ҳам катта талаблар қўймоқда. Эндикда мактаб ўқитиш билан бир қаторда ўзи ҳам ўқиб-ўрганишни керак. Социалистик демократияда, ошкоралик принципларига таяниб ўқиб-ўрганишни зарур.

Билим сифати биринчи ўринга чиқарилмоғи лозим. Бу ҳар жондан ўқитувчининг таърибига, билими, қобилияти ва истеъдодига боғлиқ. Лекин ўз устида ишлама, номини мактабга бораётган ўқитувчилар ҳам йўқ эмас. Бу мактабнинг ҳам, бу ерда таълим кўраётган ёш авлодининг ҳам билим савиясини қашшоқлаштирадиган. Шу ўринда ўқувчиларнинг айрим фанлардан етарли ўзлаштира олмаётганини, айниқса баён, ишловларда қўллаб ҳатолар қилётганини афсус билан таъкидлаш керак.

Мактабни, билим юрти ва институтларни етарли дарсликлар, қўлланмалар билан таъминлаш асосий вазифадир. Ҳар бир дарслик зами-ҳавф билан ўқилиши ва у авваллаб қадамчи лозим. Дарслик ва қўлланмаларни ёзишда, граммаларни тузишда новатор ўқитувчилар таърибасидан кенг фойдаланиш керак. Мактаблар ўқув қуроллари билан тўла таъминланмоғи лозим. Афсуски, кўпгина қишлоқ мактаблари сўз компьютерлаштирилмаётди. Бу болаларнинг янгилик сари излашларига тўсқинлик қилмаётди.

Мактаб билан оталиқ таълимнинг ўзаро алоқаси, таълимнинг янада кучайтириш лозим. Тошкентдаги В. П. Чкалов номи авиация, «Тошкент трактор заводи», Намангандаги авиация заводи билан ишлаб чиқариш бирлашмаларининг ўз оталиқдаги мактаблар, билим юртлири билан ҳамкорлиги таъминта лозимдир. Улар мактабларни турли даст-гоҳлар, ўқув қуроллари билан таъминламоқдалар, ремонт ишларига яқиндан ёрдам беришмоқдалар. Афсуски, айрим таълимчилар, корхоналар ва муассасалар бундай ёрдамни ортқича, деб ҳисобламоқдалар, мактаб билан ҳамкорлик қилишдан воз кечмоқдалар. Ахир мактабда ўз фарзандларимиз таълим олаётганини нахотки унутмас! Бундай ҳолга чек қўйиш керак.

Ишга, дарсга, билим олишга муносабат кескин оширилди даркор. Ҳар бир ўқитувчи, педагог ва тарбиячининг масъулияти билим сифатига қаратилмоғи лозим. Улар ишга жондан айнашлари, ханшша ва ҳамма вақт ўқиб-ўрганишлари, излашлари ва шу билан бирга ўз таърибларини ишларга ўргатишлари шарт. Шу ўринда мураббийлик ҳаракатига алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Олий ўқув юртини таъминлаб келган ёш ўқитувчи эътиборда бўлсин. Партия таълимчиларни ҳар бир ёшнинг ўз иш жойида муҳим ишлаб қолдишлари яқиндан ёрдам беришлари керак. Новатор ўқитувчиларнинг таъриблари кенг амаллаштирилсин. Мактаб ўқувчилари, билим юртлири ва олий ўқув юртлирининг талабалари қишлоқ хўжалик ишларига ортқича жалб этилмагисини лозим. Расмийлик, маълумотилик ва қозғовозликка қатъиян чек қўйиш керак.

Ўқитувчи дўстимиз, қадрдонимиз, фарзандларимиз мураббийдир. Шунинг учун ҳам унга болаларимиз таъдирини ишониб топширамиз. Бунинг партия, совет, касба союзи ва комсомол ходимлари бутун қабилари билан ҳис этишлари керак.

Ҳунар-техника билим юртлири ёшларнинг касб тайёрлагиллигини, маҳоратини оширувчи маскан. Бу ерда юзлаб касб мутахассислари тайёрланади. Афсуски кўпгина ҳунар-техника билим юртлирида таълим-тарбия номигагина берилган таълим таъдирмоқда. Қўллаб битирувчилар ўз ихтисосликларни бўйича ишламаётдилар. Олий ўқув юртлирида студентларнинг мустақил ишлашларига кенг имкон яратилган. Ишлаб чиқаришда кадрлар филалларини таъкил этиш ва диплом ишларини шу ернинг ўзиде ёклаш яхши самара бермоқда.

Республикамиз Халқ таълими министрлиги олдида гоят улкан вазифалар турибди. Ўрта ва олий мактабни ислоҳ қилишнинг дадил давом эттириш керак. Шу йилнинг декабрь ойида очилаётган Халқ таълими ходимларининг Бутуниттифок съездида муносиб делегатлар сайлаш ҳамда унга тайёрларлик дарида халқ таълими системасини қайта қуриш масалалари бўйича эълон қилинган ҳужжатлар лойиҳалари кенг муҳокама қилинишига эришиш зарур. Токи ҳар бир ўқитувчининг ҳам ижодкор, ҳам мураббий бўлишига эришайлик!

«Янги авлодни тарбиялаш ва унга таълим бериш — КПССнинг, бутун жамиятимизнинг масъулиятли вазифасидир. Конференция ўрта ва олий мактаб ислоҳотини изчил ва жадал амалга оширишни талаб қилади. Бу гап уларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам, энг муҳими — ўқувчининг, муаллимнинг, тарбиячининг ролига ҳам тааллуқлидир».

(КПСС XIX Бутуниттифок конференцияси материаллари дан)



ИЛК БОР МАКТАБГА

С. МАҲМАМОВ фотоэюди.

«МИР» ОРБИТАЛ КОМПЛЕКСИ ИЧИДА ХАЛҚАРО СОВЕТ—АФҒОН ЭКИПАЖИ ИШЛАМОҚДА

ТАСС ахбороти

1988 йил 31 август кун Москва вақти билан соат 9 дан 41 янгуз ўтганда «Союз ТМ-6» космик кемаси «Мир» илмий-тадқиқот комплекси билан туташтирилди.

Совет космонавти Владимир Титов, Муса Манаров, Владимир Ляхов, Валерий Поляков ва афгон космонавти Абдул Аҳад Моманддан иборат халқаро экипаж биргаликда тадқиқот ва экспериментларни бажаришга киришди.

«Мир» комплекси ичидаги Совет — Афгон экипажининг иш программаси олти

кунга мўлжалланган бўлиб, геофизика ва медицина-биологияга доир тадқиқотларни ўз ичига олади.

Космонавтлар Афғонистон Республикасидаги илм-фан ва халқ хўжалигига онд турли вазифаларни ҳал этиш мақсадида мамлакат территориясини оддий кўз билан ва асбоблар ёрдамида кузатиш ҳамда суратга олиш борасида катта ҳажмдаги ишларни бажаришлари лозим. Жумладан, Афғонистоннинг фойдали қазилмалар қиди-

риш учун диққатга сазовор бўлган баланд тоғли ва борни қўйин районларни, шунингдек ўзлаштиришга яроқли ерларни аниқлаш ва территориянинг сейсик шароитини чамалаш мақсадида фотосуратга олиш режалаштирилмоқда.

Биргаликдаги учини давомиде ўтказиладиган медицина-биология экспериментларида тадқиқотчи-врачининг бевосята иштирок этиши шу экспериментларнинг ўзига хос хусусиятидир.

Биргаликдаги тадқиқотлар программаси бажариладиган кейин Владимир Ляхов билан Абдул Аҳад Моманд «Союз ТМ-5» кемасида Ёлга қайтиб турадилар, Владимир Титов, Муса Манаров ва Валерий Поляковлар Ер атрофи орбитасидан ишни давом эттирадilar.

Экипаж билан радио орқали гаплашиш натижаларига кўра космонавтлар ўзларини яхши ҳис этимоқдалар.

Одам бошқараётган «Мир» комплекси ичидаги системалар ва илмий аппаратлар нормал ишлаб турибди.

«МИР» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖИ, КОСМОНАВТЛАР В. Г. ТИТОВ, М. Х. МАНАРОВ, В. А. ЛЯХОВ, В. В. ПОЛЯКОВ, А. А. МОМАНДГА

Азиз ўртоқлар!

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексида биргаликдаги учини муваффақиятли бошланганлиги муносабати билан сизларга салимий табриклар ва қутловлар йўллайман.

Сизларнинг учинишиги Совет Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси самарали ҳамкорлигининг кўп қирралигини яққол намоён этишга ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар тарихида, совет халқи билан афгон халқи ўртасидаги дўстлиқни ривожлантириш ва мустақамлашда янги ёрқин саҳифа очади.

М. ГОРБАЧЕВ.

«МИР» ОРБИТАЛ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ КОМПЛЕКСИНИНГ ХАЛҚАРО ЭКИПАЖИ, КОСМОНАВТЛАР В. Г. ТИТОВ, М. Х. МАНАРОВ, В. А. ЛЯХОВ, В. В. ПОЛЯКОВ, А. А. МОМАНДГА

Азиз Ляхов, Поляков, Моманд, Титов, Манаров ўртоқлар!

«Мир» — «Союз» орбитал комплексида юборган салимий қутловларини энг сизидиқилдан ташаккур билдираман. Афғонистон Республикасининг ҳукумати ва афгон халқи номидан Совет — Афғон космик экипажини муваффақиятли парвози ва кема «Мир» орбитал комплексида туташтирилгани билан табриқлайман!

Миллион-миллион ватандошларингиз сизларнинг учинишиги ҳаяжон ва умид билан кузатиб турибдилар. Ер атрофи орбитасиданги жуда мураккаб тадқиқотларни ўтказишда афғон космонавтининг қатнашуви халқимизнинг битмас-туганмас ижодий имкониятлари далили бўлиб қолди. Афғонистоннинг жаҳон жамиятидаги обрў-эътибори ошишига хизмат қилди.

Совет — Афғон қўшма космик учини айна-анай яхши қўшничилик алоқалари билан боғланган мамлакатларимиз ҳамдўстлигининг чўққисидир. Суверен, мустақил ва қўшилмаган Афғонистон учун биргаликдаги кураш-

дагина эмас, шу билан бирга космик фазони тинч ўзлаштиришда ҳам совет ва афгон халқлари ўз бирдамликларини, ҳамкорликка қатъий интилишларини дунёга намоён этишмоқдалар.

Халқларимиз ердаги интернационализмдан космосдаги интернационализм сари қадам қўйдилар.

Абдул Аҳад Моманд, Сиз — миллий тинчликка ва ақилликка интилаётган бутун мард Афғонистон халқининг намоёнчасисиз. Сизнинг космик чўққилардан тинчликка қилган даъватингиз миллион-миллион афғонларга айна-қасд қилди ва тушунарлидир.

Раҳмат сенга Ватанинг мард ўғлини!

Олий ҳиммат афгон халқи тарихий космик учини қатнашчиларини сизидиқилдан қучоқ очиб қутиб олади. Тадқиқотлар программаси муваффақиятли бажарилиб, эсон-омон қайтиб тушишларингизни тилайман.

Космос қаҳрамонларига афғонлар диёрида мушукимиз!

НАЖИБУЛЛО.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ МИХАИЛ СЕРГЕЕВИЧ ГОРБАЧЕВГА

«Мир» орбитал комплексида Сизларга шуни маълум қиламизки, халқаро Совет — Афғон экипажи биргаликдаги фан-техника ва медицина-биология тадқиқотлари ҳамда экспериментлари программасини бажаришга киришди.

Илмий-тадқиқот комплекси ичидаги системалар нормал ишлаб турибди. Белгиланган учини программасини муваф-

АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ, АФҒОНИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ НАЖИБУЛЛОГА

фақиятли бажариш учун бутун кучимиз, таърибимиз ва билимимизни ишга солимаз. Яшасин Совет Иттифоқи билан Афғонистон Республикаси халқлари ўртасидаги мустақам дўстлик ва ҳамкорлик!

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг экипажи — В. ТИТОВ, М. МАНАРОВ, В. ЛЯХОВ, В. ПОЛЯКОВ, А. А. МОМАНД.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ

Азиз Михаил Сергеевич!

Салимий табрик сўзларингиз ва эзгу истакларингиз учун Сизга сизидиқилдан миннатдорчилик билдираман.

Биз, халқаро Совет — Афғон экипажининг аъзолари Сизни ишонтириб айтмазми, ўзимизга кўрсатилган юксак шараф ва ишонч оқлаймиз ҳамда космик фазони тинч ўз-

АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ, АФҒОНИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ ЎРТОҚ НАЖИБУЛЛОГА

Азиз ўртоқ Нажибулло!

Салимий табрикларингиз ва эзгу истакларингиз учун биз, афғон ва совет космонавти «Мир» илмий-тадқиқот комплексида Сизга миннатдорчилик изҳор этишимиз.

Илмий-тадқиқотлар ва экспериментлар программасини тўла-тўқис адо этишимиз, деб Сизга ваъда берамиз. Ана шу тадқиқотлар ва экс-

ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ-МИХАИЛ СЕРГЕЕВИЧ ГОРБАЧЕВГА

периментларнинг натижаларини Афғонистон халқ хўжалигини ривожлантириш учун фойдаланилади.

«Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг экипажи В. ТИТОВ, М. МАНАРОВ, В. ЛЯХОВ, В. ПОЛЯКОВ, А. А. МОМАНД.

АФҒОНИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ВА АХДП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БОШ СЕКРЕТАРИ АЗИЗ ЎРТОҚ НАЖИБУЛЛОГА

Азиз ватандошлар!

Космик учини муваффақиятли ўтаётганини, программа тўла-тўқис бажарилаётганини маълум қиламан. Биз Титов, Манаров, Ляхов ва Поляков ўртоқлар билан биргаликда ақил ишлаймиз. Ерда қолган кишилар, шу жумладан дўстим Даврон бизга фаол ёрдам бермоқдалар.

Космосдан қараганда Ер жуда гўзал. Тоғлар унинг кўрдири. Афғонистонга қараб завқланилман. Бизнинг кўнжа диёрийимизга космосдан назар ташлаганда мангу сукунатдаги энг ажойиб тоғлар кўринади.

Космосдан чегаралар кўринмайди, террорчилик ҳужуралари кўнжа ташланмайди. Кобула, Қандахорда, Қундузда, бошқа барча шаҳарларда осейшталди. Биродерларим ва опа-сингилларим яшаётган, уруш йиллари бо-байида қанчадан-қанча машаққатлари бо-шидан кечирган ота-оналаримиз яшаётган заминда ҳам шундай бўлишига ишонинг келади.

МУКОФОТ ТОПШИРИЛДИ

М. Горький номли Владимир Ленин драма театрининг спектаклларини минг-лаб томошабинлар келиб кўрдилар.

Совет театр санъатини пропаганда қилишда, республика меҳнаткашларини ин-

тернационал руҳда тарбиялашда муҳим роль ўйнаган гастролларни муваффақиятли ўтказганлиги учун Владимир Ленин драма театри Ўзбекистон ССР Олий Со-

вети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди.

31 август кун театр коллективига республиканинг давлат мукофотини Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. П. Романовский топширди.

(ЎЗАТА).

ЕШЛАРИНИНГ

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТИ

Косонсой районидagi шу йил ташкил этилган ВЛКСМ XX съезди номли совхознинг еш чўлуварлари дастлаб-ки маррани забот этидилар: пахтазорлардан планда кўзда тутилган барча ҳосил — 200 тонна пахта йиғиштириб олинди. Бунинг учун аттиги бир ҳафта кифоя қилди.

— Дастлабки пахта тонналари биз учун айнақса қадрлидир, — дейди совхоз директори Тўра Йўлдошев. — Чунки яқин келажакда ҳар йили бир минг тонна ҳосил берадиган қўриқдаги хўжалиқнинг таржимаи ҳоли эндигина бошланмоқда.

Бир пахтазорлар ишни муваффақиятли бошладилар, деб дадил айтиш мумкин. Апрель ойида бу ерда кўриқ ўлганининг ҳамма томонларидан кўнгилли комсомоллар келишди. Улар иш программасини ишлаб чиқдилар, совхоз директори лавозимига уч давогардан энг фаол ва билимдон Тўра Йўлдошевни сайладилар.

Ишлар авж олдириб юборилди. Сув роат танқис бўлишига, ташкилий ишлардаги қийинчиликларга қарамай, бешта пудратчи комсомол коллективи биринчи гал учун дуруст ҳосил етиштирди.

(ЎЗАТА).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Л. АХМЕТОВНИ ЎЗБЕКИСТОН ССР АВТОМОБИЛЬ ТРАНСПОРТИ ВА ЎЎЛ ХЎЖАЛИҚИ МИНИСТРИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми қарор қилади: Ўртоқ Лерик Ахметов Ўзбекистон ССР автомобиль транспорти ва йўл хўжалиғи министри этиб тайинлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Ранси П. ҲАБИБУЛЛАЕВ. Секретарь учун — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг аъзоси Ш. МИРСАИДОВ.

Тошкент шаҳри, 1988 йил 31 август.

Долзарб мавзу

МЕХР «ПАРДА»СИ КЎТАРИЛМАСИН

«Мен болаларни жуда яхши кўраман. Улар чекрасида табассум кўрсам қувонаман, мужгонлари ёшга тўлганига кўзим тушса, кўшилиб йилганим келади. Лекин болалар ҳаммиса бахтли бўлишларини истайман. Шу боис ҳар ойда маошимдан беш ўсимини болалар уйдаги бирор қизчага қарор қилдим. Сизлардан илтимос, бу ҳақда қизчага ҳеч нарса айтманглар. «Ташселимаш» заводи инженери Валентина Александровна Шаммаевани В. И. Ленин номидаги Совет болалар фонди Ўзбекистон бўлимига йўллаган мажмур хати асосида эндиликда 21-болалар уйи тарбияланувчиларидан бири номига ҳисоб номери очилди. Кимдир ўз ҳаётини, турмуш-турмушини, келажagini бераданда тасаввур қилмайдими, кимдир эса ҳатто бундай ҳиссийнинг ўзидан бебаҳра бўлади. Кимдир тирноқча зор бўлганидан дунё кўзига тор кўриниб, ўзини кўрага жой тополмайдими, кимдир эса ташландик эканини сезибми, сезмайми йилгаётган жигарғушасини бир умр чирқиратиб ташлаб кетади.

Кейинги пайларда бу мавзу кишини кўп ўйлантиради, қайта-қайта унга мурожаат қилишга ундайпти. Унинг сабаблари жуда кўп. Оила, турмуш, эр-хотин жанжали, алдаган ва алданганлар қисмати... Бунинг яна давом эттириш мумкин. Бироқ Инсон меҳр-оқибати, меҳр-шарфати, меҳр-муҳаббатли бўлгани учун ҳам у зоти олийку. Ким бўлишдан қатъи назар одамларни меҳр деб бўлмайди. Вужудига орасининг меҳр сўти синган, кўнгоғига орасининг меҳр тўла панд-насиҳатлари ўрнган ҳар бир инсон бу олижаноб фазилатдан беғосиб эмас. Шундай экан, нега ўз пушти камаримиздан бўлган болаимизни ташлаб кетялми, унга нисбатан меҳрликлари қилаялми. Нега энди уларга «етимча», «ташландик» деган бир умрлик таъки-лаётган таъғисини ўз қўлимиз билан босялми. Нима сабабдан болалар уйларида, мактаб-интернатларда шундай фарзандларнинг қўлайишга сабабчи бўлялми. Ахир азал-азалдан болаюм, болаларвар ҳалқимиз-ку.

Жамиятимизнинг инсонларварлиги шундаки, бизда ҳеч бир боланинг тақдирига бефарқ қаралмайди. Шу боис ўтган йили Москвада Бутуниттифоқ болалар фонди таъсис этилгани партиа ва ҳукуматимизнинг келажак авлод ҳақидаги ғамхўрлигининг ёрқин тисмили бўлди. Шу йил февраль ойида эса мажмур фонднинг Ўзбекистон бўлими таъсис этилди. Ҳўш, бундай фонд тузишга эҳтиёж борми, деришга? Рақамлар тили билан айтганда, эҳтиёж катта. Чунки республикамизда етимлар сонини камайтириш, Ҳўзир 28 мингга яқин шундай бола бор. Уларнинг тўқсон фоизи ота-она меҳридан, оила тарбиясидан мажмур эканлиги ачинарли ҳолдир.

Буюк инқилобнинг илк тадбирларидан бири қаровсиз қолган болаларга уст-бош, бошлана бериш вазифаси бўлган. Оғир дамлар бўлса-да, бироқ бу тадбирлар амалга оширилди. Чунки етимлар бошини, сийлаш, уларни тарбиялаш лозим эди. Улар ҳатто ота-онасини ҳам билмасди. Энди-чи? Энди болалар тирик етим бўляпти. Афсуски, ҳўзирги замон орасининг ҳолати жиддий ташвиш туғдиради. Жамиятимизнинг энг қабиҳ иллатлари ичкилик, бозорлик, гўйхўрликка мўлжалланган кетган оилалар талайгина. Маънавий муҳит бўзилган, эр-хотин

ўртасида меҳр-оқибат йўқолган оиладаги фарзанд ҳолатини бир тасаввур қилиб кўринг-а. Бахти шодон, кўнглилари оламни қоплашга қодир боланинг кўнгли ўқиски, боши ҳам бўлиб қолади.

Кўкси остида тепиб турган митти юракча билан тўққиз ой ҳамдард, ҳамнафас бўлган аёл кўзи ёрийдими, гўдакни кўрмай, деб ундан юз ўтиради. «Инг»нинг ёқимли овозини эшитмай, деяр кулоқларини беркитади. Банабоғ кўрса, эшитса меҳри товланишдан, меҳр сўти ийиб келишдан кўрқади. Фарзандини бағрига босиб, фақат чақалоқларга хос ҳидини тўймаган, кўксини тутиб фарзандининг милқ-милқ эмишидан баҳра олмаган, роҳатланмаган аёлни она дейиш қийин. Ваҳолонки, чақалоқнинг тўғридан-тўғри, ҳатто дуч келган ерга ташлаб кетаётганларнинг саноғи йўқ. Ўз фароғати, маишатини боласининг биргина «ойикона» деган сўзидан ўстун қўйганлар эндиликда қўлайиб кетаяпти. Улар бугунини ўйлаб, эртасиндан воз кечишяпти. «Бемехр» деган номини оини нолма сазовор бўлишяпти. Шоир айтганидек, «абдий фироқни абдий айсол» деб билган муҳтарам аёл шанига доғ туширишяпти. Шу ўринда биз ҳўрматли эркакларга ҳам мурожаат қилгимиз бор. Сиз, била таянччисиз, унинг бус-бутунлиги Сиз билан. Шундай экан оилангизни асранг, болаларингизни севинг, рафқангизни ардоқланг. Бир суткада 13-14 соатлаб барча юмушларни бажаришга улгурадиган аёлнинг оғирини енгил қилинг.

Бугунги кунда Совет болалар фонди, унинг Ўзбекистон бўлими зиммасига катта масъулият, мураккаб вазифалар қўйилган. Гўдаклар уйлари, болалар уйлари, интернат ва мажмур ўқув тарбия муассасаларида аввало болаларнинг соғлигини сақлаш, уларни тарбиялаб, камол топтиришнинг барча жиҳатларини такомиллаштириш ҳаракати бошланган. Болаликка оид барча муаммоларни эришмай ўрганиш ва ҳал этиш йўллари изланыпти.

Болалар фонди гўдаклар ўлимига қарши курашини ўз фаолиятининг муҳим йўналиши деб билади. Бонси ҳар йили мамлакатимизда бир ёшга етмасдан 130 минг чақалоқ ноубуд бўлмоқда. Бола жасади солиingan тобуг кимни ларзага солимайди дейсиз, биз ана шундай ҳолини америкаликларга нисбатан икки ярим баравар кўп, японларга нисбатан беш баравар эида, шведларга нисбатан тўрт баравар кўп бошдан кечирялмиш. Тўғри, қатор тадбирлар амалга ошириляпти, бироқ ҳали ишимиз йўлангани йўқ. Бу борада Совет болалар фондининг республика бўлими 8 областда иш бошлаган бўлими феолиятини янада жонлантириш мақсадага мўвафиқдир.

Болалар фонди ўз вазифаларини бажаришда партиа, совет, комсомол органлари, ветеранлар, хотин-қизлар кенашларининг кўмағига, корхоналар, муассасалар, икюдий союэлар, меҳнат коллективлари, жамоатчилик, Сиз билан бизнинг ёрдамимизга таянади. Зеро, фарзандларимиз эртаси, порлоқ келажак ҳеч кимни бефарқ қолмай қолдирмаслигини лозим.

Келинг биргалишиб бонг урайлик, токи болалар тирик етим қолмасин! Одамларни, «даҳшат уйқусидан уйотиб», нопок йўлдан қайтарайлик, токи меҳр «пардаси» кўтарилмасин!

МАДАНИЙ, ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВА
ФАН БЎЛИМИ

ВАТАН БОЙЛИГИ

Бугунги кунда бир ёшга бўлган болалар орасидаги ўлимни кескин камайтириш масаласи халқ соғлигини муҳофаза қилиш муаммолари ичида энг муҳимдир. Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бу масалага жиддий қараб, кўп-лаб тадбирлар ишлаб чиққан ва қарорлар қабул қилган. Бироқ кузатишлар ва текширишлар шуни кўрсатади, бир ёшга бўлган болалар орасидаги ўлимнинг олдини олиш ва унга қарши кескин курашини тадбирлари жойларда қониқарсиз бажарилмоқда.

Бир ёшга бўлган болалар орасидаги ўлим турли хасталиклар, жумладан, ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари оқибатида содир бўлмоқда. Шунини алоҳид

да таъкидлаш керакки, аҳоли орасида, айниқса, қишлоқларда санитария маданиятининг паст бўлиши, кўпчилик оналарнинг ёшга етмаган болаларини овқатлантириш режимиини билмасликлари, болалар учун мажсур таёйрланган сутли овқатларнинг етишмаслиги, уларнинг сифати пастлиги мажсур касалликнинг болалар орасида кенг тарқалишига сабаб бўлмоқда.

Ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликларининг олдини олиш учун аҳоли орасида санитария пропаганда ишларини яхши йўлга қўйиш лозим. Ваҳолонки, санитария маданияти жойларда ёмон аҳволда. Уйма-уй юриб тушунтириш ўтказиш, бемор боланини аниқлаш, уни ўз вақтида касалхонага ётқишиш ва даволаш тадбирлари

мўтлақо медицина талабига жавоб бермайди.

Кези келганда шуни айтиш керакки, министрлик ўзи чиқарган қарорларнинг бажарилишини етарли назорат қилмайди. Оқибатда ўткир юқумли ошқозон-ичак касалликлари камайиш ўрнига сезиларли даражада кўпаймоқда. Жадаллаштириш ва қайта қуриш тадбирлари халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида юз бериб келган амалга ошириляётган давримизда, аҳолига медицина ёрдамини кўрсатиш, айниқса, болалар саломатлигини муҳофаза қилиш ишларини тубдан қайта қуриш ҳамма шир-фокорларнинг бурчи бўлиши лозим.

С. МУҲАМЕДОВ,

медицина фанлари доктори, профессор.



«СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ЯНГИ АВЛОДИ ОНГЛИ МЕХНАТ ВА СИЕСИЙ ҲАЁТГА ҚАДАМ ҚЎЯЁТИГАДА ЮКСАК ҒОЯВИЛИККА ВА АХЛОҚКА. ЎЗ КАСБИ СОҲАСИДА ЯХШИ БИЛИМЛАРГА ВА КЕНГ МАДАННИЙ ФИҚР ДОИРАСИГА ЭГА БЎЛИШЛАРИ, МАМЛАКАТ ТАҚДИРИ УЧУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАЛАРИГА ОЛИШЛАРИГА ТАЙЁР БЎЛИШЛАРИ УЧУН ҲАММА ШАРОИТЛАРНИ ЯРАТИШ ЛОЗИМ».

(КПСС XIX Бутуниттифоқ конференцияси материаллари-дан).

Қувончимиз сендан дир

Эҳ, сентябрь, сентябрь,
Қувончларим сендан дир.

Сени кутдим бутун ёз,
Гулдан ёзим бопдос.

Яхши ўтди таътилим,
Яна ярайди дилим.

Кездим, тоғларга чиқдим,
Меҳнат қилдим, чиниқдим.

Табнат китобидан —
Ургандим боб-бобидан.

Етай деб тилганимга
Куч йиғдим билагимга.

Янги дўстлар орттирдим,
Сўхбатда тонг орттирдим.

Энди маза, учрашдим,
Сен билан қўл ушлашдим.

Эшик очам мактаблар,
Кулсини дея мақсадлар.

Чалинган кўнгирик,
Гавжум, қий-чў ҳаммаёй.

Кирганимда синфимга,
Гўрур бердинг сен менга.

Мени бешинчи марта
Чорлар қадрдон парта.

Ўз-ўзимга қўйиб шарт,
Унга қўйрмайман гард.

Ўқитувчим — устозим,
Унга чексиз ихлосим.

Бошқа ёйқа анграймай
Дарсларини англаймай.

Ечиб барча саволин,
Шимириб билим болин,

Етай дейман воёга,
Қочмай салқин-соёга.

Кўлим боқиб оғрибга,
Бўйсунман одобга.

Эй, сентябрь, сентябрь,
Орзуларим сендан дир.

Пўлат МҲМИН.

Халқимиз ҳўзирги кунда қайта қуришни тезроқ амалга оширишга астойдил ҳаракат қилмоқда. Қайта қуришнинг жадаллаштириш талаб қиладиган жабҳалардан бири ўрта ва олий мактабдир. КПСС XIX Бутуниттифоқ конференциясида таъкидланганидек, жамият маъмулотли, эътиқодли, социализмга садоқатли ва шу билан бирга демократия, коллективларнинг хўжалик мустақиллиги шароитида ишлаб оладиган актив, изланувчан граждана муҳтождир.

Бундай тўлақонли, ҳар томонлама гармоник ривожланган граждандарни тайёрлайдиган кишилар — ўқитувчилардир. Агар ўқитувчининг иш сифати, малакаси, масъулияти ошиб бормас экан, ишда силжиш бўлмайди. Бундай силжишни таъминлаш ҳар бир олий даргоҳдаги партиа ташкилотининг иш услубига, талабчанлигига боғлиқдир.

Бугунги кунда мактаб ва олий ўқув юртиларидаги ўқитувчилар фаолиятини активлаштириш бўйича кўпгина тадбирлар ишлаб чиқилди. Жўмладан, аттестациядан ўтказиш, вақти-вақти билан контрол ишлар олиш, турли текширувлар, иш ҳақини ошириш шулар жўмласидандир. Бироқ умумий таълимни қайта қуриш учун бу тадбирлар етарли эмас.

КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми талаб этганидек, аввало ўқитувчининг билими юқори бўлиши лозим. Билинчига, олий ўқув юртиларига ўқитувчиларни талаб олиш даври келди. Бунинг учун асосий эътибор ўқитувчининг ўз фанини пухта билиши, сиёсий ҳамда ахлоқий жиҳатдан етук бўлишига қаратилмоғи лозим.

Мавжуд қондалар бўйича янги ўқитувчининг кафедраларга қабул қилишда, унинг тегишли автобиографик ҳужжатлари-ю, бир-иккита дарсининг анализи ҳисобга олинад, холос. Қабул қилинган ўқитувчи кафедраларда мукамал таёйрланмасдан лекция ёки амалий машғулот ўтказишга қўйилмаслиги, маъмул синоовдан сўнг дарсга рухсат этиш керак. Бироқ бу кўнлича кенгаш аъзоларининг кимни қай даражада танлай олишига боғлиқ бўлиб, юзакчиликни келтириб чиқаради. Шу сабабли гарчи етук мутахассис бўлса ҳам «четдан келган» киши етарли овоз оломайди.

Яқинда олий ўқув юртиларига турли хил лавозимларга резерв кадрлар қўратиш одат тусига кирди. Бу яхши ҳолат. Лекин ким қайси кафедраларга ишласа, ўз кафедрасидан номзод қўратишга ҳаракат қилади. Бўзчи номзодлар ўзлари рад қилишди, лекин айримлар ўзидан билими, қобилияти кучли,

тажрибаси кўпроқ одамлар бўлишга қарамай қатнашверадил. Ахир кишилар онгиди бундай хавфли «касалик»лардан жамият қанчалар зарар кўрганлиги маълум-ку?

Ҳўзир демократия, ошкоралик кўп жойларда ҳўкмрон. Лекин демократияни партиа ва давлат манфаати

диган саволларни ёзма равишда бериб, унинг жавоби бошқа жойлардан тақлиф этилган энг нўфузли комиссия томонидан объектин кўриб чиқилади. Ижтимоий фанлар номзодлари учун энг муҳим темалар марксизм-ленинизм классиклари асарлари, партиа ҳўжжатлари бўлади. Умуман, бўлажак институт ўқитувчиларининг илмий дунёқарашини мукамал текшириш лозим деб ўйлаймиз.

Ўқитувчи кафедра профли бўйича 50—60 та шундай мураккаб саволга жавоб бероласани, уни қабул қилиш лозим. Ҳўзирги мураккаб шароитда бошқача йўл

рур, деб ўйлаймиз. Факультет деканларини сайлаш икни даврдан ошмаслиги ва учинчи навбатга бошқа номзод қўйилиши мақсадага мўвофиқ, Демак, партиа ташкилотлари резерв кадрлар билан ишлашни қўчайтириши зарур. Факультет деканлари эса ўтлаётган ҳар бир предмеддан қисман бўлса ҳам қабардор бўлиши керак.

Тарбиявий ишлар бўйича декан ўринбосарларининг жорий қилиниши яна бир муаммо. Физикимизча, бу лавозим ортиқча. Шу билан бирга факультет тарбияроси ва идеология ишлари фаолиятини қўчайтириш керак. Тарбиявий ишлар бўйича декан ўринбосари барча ўқитувчилар каби тўлиқ лекция ва бошқа дарс соатларини бажаради. Дарсдан бўш вақтида турли «бўйруқларни» ижро этиши керак. Факультет деканлари, уларнинг ўринбосарлари ва кафедра мудирилар фақат топириқ берганлари учун қўшимча ҳақ оладилар. Шу кишиларнинг ўзлари тарбия билан янада ақидан шўгуллангани керак. Анқина, бевосита иш бажарувчилар ҳеч нарса олишмайди.

Еш ўқитувчилар ниҳоятда банд қилиб қўйилган. Қўпчида жойларда илмий иш қилиш учун ўзининг энг нақирон пайтини раҳбарларнинг дарсини ўтиш ёки топириқларини бажариш билан ўтказаятган ёшлар оғз эмас. Ассистент ёки ёш ўқитувчи ҳаммадан кўпроқ дарс ўтиши керак деган қонда жойларда ҳўжмронлик қилиб келяпти. Шу сабабли олимларнинг ўртача ёшлари йилдан йилга кекайиб бормоқда. Шундай экан, партиа ва бошқа жамоат ташкилотлари ёшларга зарур шароитлар яратиб бериш устида мукамал иш олиб боришлари талаб этилади.

Қонун-қондаларнинг бағчасини одамлар яратади. Агар олий ўқув юртиларидаги қонун-қондаларни синчиклаб назардан ўтказасан, уларнинг кўпчилиги даврдан, ҳўзирги тарқиқетдан орқанда қолганини сезилади. Текшириш-текшир, ҳисоботлар, савраларга ҳеч қўйиб, энг асосий нараса аудиторияда ўтказилаётган ишларнинг сифатига диққатни тортиш зарур.

З. ДАВРОНОВ,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтини партиа комитетининг секретари.

СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ЎҚИШ XIX БУТУНИТТИФОҚ ПАРТИА КОНФЕРЕНЦИЯСИ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН

1988 йил февраль Пленумида таъкидлаб «ўтилганидек, экономикамининг, маданиятимизни, социал ва маънавий турмушимизни ривожлантириш йўллариини белгилашга биз қайси позицияда туриб ёндашмайлик, ҳақиқат инсоннинг ўзи, унинг гоийий эътиқоди ва сиёсий етултиги, унинг ватанпарварлиги ва интернационализи, унинг йўлдаги қобилияти, граждандлик позицияси ҳал қилувчи омил бўлиб қолаверди».

Шу фазолатларни камол топтиришда социалистик воқеликнинг ўзи гоит катта аҳамиятга эгадир, албатта. Аммо шу мақсадга еришишда умуман изчил, собатданма мафқуравий, сиёсий-тарбиявий иш, жумладан марксизм-ленинча таълим системаси катта роль ўйнайди.

КПСС Марказий Комитети шуни эътиборга олиб, 1987 йилнинг сентябрийда «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасини қайта қуриш тўғрисида» қарор қабул қилди. Бу қарорда қайта қуришни идеология жиҳатдан таъминлашга сиёсий ва иқтисодий ўқишнинг ролига илмий асосланган баҳо берилиб, коммунист, кенг меҳнаткашлар оммасини гоийий-сиёсий ва маънавий чиниқтиришнинг амалий программаси таяйрланган.

Агар ўтган ўқув йили амалдаги марксизм-ленинча ўқиш системасини қайта қуришнинг бириччи босқичи бўлган экан, кириб келаятган ўқув йилида меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқиш ҳам структурта, ҳам мазмунига кўра КПСС Марказий Комитетининг юрйида айтиб ўтилган қарорни талабларига мўвофиқ таъмин этилади.

Партиа комитетлари, уларнинг сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари, бошланғич партиа ташкилотлари, меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасини қайта қуриш, сиёсий таълимнинг бирмунча содаллаштирилган ва аниқ системасини яратиш, янги ўқув йилига тайёргарлик қилиш борасида каттагина ташкилотчилик ҳамда сиёсий ишларни амалга оширмоқда.

Бироқ қайта қуриш секинлик билан бормоқда, бу ишда жиддий камчиликлар бор. КПСС Марказий Комитетининг «Ўल्याновск области партиа органларининг «Меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий ўқиш системасини қайта қуриш тўғрисида» КПСС Марказий Комитети қабул қилган қарорини бажариш соҳасидаги ишлари ҳақида»ги қарориди шунга эътибор жаб қилинади.

Янги ўқув йили ақинлаштириб келмоқда. У аввалги

йилларга қараганда бир қанча принципиал хўсусиятлари билан фарқ қилади. Унбў ўқув йилидан бошлаб марксизм-ленинизм университетларида, унинг филиалларида машғулотлар 1 сентябрдан 1 июнгача ўтказилади, сиёсий мактаблар ва семинарлар эса оадатда шаҳарларда 1 октябрдан 1 июнгача, қишлоқларда ноябрь ойидан 15 апрелгача ишлайди.

Сиёсий ўқиш формалари 9 тадан 5 тагача қисқартирилганлиги янги ўқув йилининг энг муҳим хўсусиятидир. Ўқишнинг демократиялаш принциплал аҳамиятга эга. Партиа ташкилотларига сиёсий ўқиш структурасини мустақил белгилаш ҳўқуқи берилди, коммунистлар ва комсомоллар эса мунтазам ўқишдан ноборат ўстаб мажбуриятининг ўқиш формалари ва курсларини танлашдаги ихтиёрийлик билан қўйиб олиб боришга тўла ҳўқуқ-лидирлар. Бунда меҳнатчи ташкил этишининг янги формалари — коллектив, бригада пудрати, оилавий пудрат, янара пудратини, кооперативларни, яна тартибдаги меҳнат фаолиятини ҳам эътиборга олиш лозим.

Партиа комитетлари, уларнинг сиёсий маориф уйлари ва кабинетлари, партиа ташкилотлари сиёсий ўқиш янги системасини асосан тузиб бўдилар. Бунда улар тингловчиларнинг талаб-эҳтиёжларини аввалги йилларга қараганда тўлиқроқ ҳисобга олдилар. Дастлабки маълумотларга кўра, республикадаги 13 та марксизм-ленинизм университети (12 мингдан зиёд тингловчи), салкам 17 мингта сиёсий семинар (499 минг киши), 330 та филиал (методология) семинарлари (13 минг киши), 15 мингтадан кўпроқ сиёсий мактаб (254 минг киши) ишлаб туради, 31 минг коммунист ва активлар янқа тартибдаги пилан асосида мустақил ўқиб, билан орттириш усулини танлайдилар, сиёсий ўқиш системасининг ўзлаганина жами 956 минг коммунист ва партиясиз активлар шўгулланядилар.

Янги ўқув йилининг яна бир хўсусияти — замонавий талаблар асосида сиёсий ва иқтисодий ўқиш мазмунининг батамом янгиланяшидир.

Мажмур ўқув йили ўз мазмунига кўра, янқи қисмга бўлинади. Республикадаги партиа ташкилотларининг кўпчилиги ўқув йилининг бириччи ярмини (октябрь — январь ойлари) КПССнинг XIX Бутуниттифоқ конференцияси материалларини, қайта қуришни ривожлантиришнинг энг муҳим масалаларини чўқур ўрганишга бағишлаш мақсадага мўвофиқ деб тодилар. Бунда турмушининг ҳал қилувчи со-

ҳаси — экономикада эришилган ютуқларга ўз-ўзини танқид руҳида баҳо бериш, тур иқтисодий ислохотини чўқурлаштириш, жамиятнинг интелектуал, маънавий потенциални активлаштириш, сиёсий системани, КПССнинг раҳбарлиги фаолияти ҳамда икни турмушини демократиялаш ва ислох қилиш, миллиятлараро муносабатларни ривожлантириш зарурлигини, социализмнинг янқи қиёфасига ўтиш, халқларо муносабатларни такомиллаштириш ва тапқи сиёсатни янгиллаш вазифаларига алоҳида эътибор берилди.

Ўқув йилининг иккинчи ярмидан, яъни 1 февралдан бошлаб тингловчилар ўзлари талаб олган актуал сиёсий ёки иқтисодий курсларни, масалан, «Экономикани бошқаришнинг янқи системаси», «Илмий коммунизм ва социализмни такомиллаштиришнинг энг муҳим муаммолари», «Совет экономикаси: ўқишнинг янқи сифати», «Меҳнаткашларнинг илмий-материалистик, атеистик дунёқарашини шакллантириш муаммолари», «Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг, интернационал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг энг муҳим масалалари» каби курсларни планли равишда ўрганишга киришадилар.

Меҳнаткашлар сиёсий ва иқтисодий ўқишнинг барча формаларида танланган курсларни муҳофама этиш чоғида социалистик янгиланишнинг муҳияти нимада? Уни қандай сабаблар келтириб чиқарди, бу янгиланиш қаерга ва нимага қаратилган? — деган саволларга жавоб топишда коммунистларга, барча тингловчиларга ёрдам бериш зарур.

Шуни чўқур тушунириб бериш талаб этиладики, янгиланиш ижтимоий онгиди ўзгаришлар, партиа қабул қилган қарорлар янқида социалистик практикада муаммоланиши учун жиддий курашни тақовз қилади. Ҳақиқий эркинлик — ўзи ва жамият олдидиго ҳўр буюк масъулиятдир. Ҳақиқий қайта қуриш — соғлом фикр сари ҳаракатдир, демократия, ошкоралик, масъулият ва ақл-идрон қайта қуришнинг сиёсий ҳамда маънавий таянчларидир. Пировад натижада кенг оммада илмий ишлари, гайрат-шижоатга зўр бериши ва аниқ мақсад йўлидаги оқилона ҳаракатлар қайта қуришнинг реал тақдирини белгилаб беради.

Биобариин, гап янгиланиш идеологияси ҳақида, социалистик соҳибнинг идеологияси тўғрисида борапти. Соҳиблик туйғусини тарбиялаш

юзасидан бошқариб турилмаса, у бир гуруҳ кишиларнинг манфаати учун хизмат қилиши хавфи бор. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қатор пленумларида, Тошкент шаҳар партиа комитетидида муҳофама қилинган таниш-билишлик, қариндош-уруғчилик, ҳамшаҳарлик каби салбий ҳолатлар кўпгина олий ўқув юртиларида ҳам мавжуд. Кейинги пайларда институт партиа комитети бундай иллатларга кескин кураш

